

РЕСПУБЛИКАДА ЕТИШТИРИЛГАН СОЯ ДОНИНИНГ НАВЛАРИ.

¹Ҳамроева Марғуба Комиловна, ²Б.Х.Ирралиев, ³Баратов Жавоҳир Муҳиддинович¹Денов тадбиркорлик ва педагогика институти биология фанлари фалсафа доктори (PhD),
доцент, илмий раҳбар²Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, т.ф.н.³Докторант Денов тадбиркорлик ва педагогика институти<https://doi.org/10.5281/zenodo.8359968>

Аннотация. Ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб, бир мавсумда ўсимликшунослик маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари аниқланмоқда. Соя дуккакли ўсимликларга хос равишда ўз илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб олади ва тупроқни экологик тоза биологик азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади.

Калим сўзлар: тупроқ-иқлим шароит, озиқ-овқат маҳсулотлари, соя навлари, тупроқ унумдорлиги, соя дуккаклари, соф азот.

Аннотация. С учетом почвенно-климатических условий каждого региона выявляются возможности увеличения производства продукции растениеводства за один сезон. Теневые бобовые растения усваивают через свои корни чистый азот из воздуха и обогащают почву экологически чистым биологическим азотом. В процессе роста растение оставляет определенное количество азота, как себе, так и следующему растению.

Ключевые слова: почвенно-климатические условия, питание, сорта сои, плодородие почвы, соя, чистый азот.

Abstract. Taking into account the soil and climatic conditions of each region, the possibilities of increasing crop production in one season are revealed. Shade legumes absorb pure nitrogen from the air through their roots and enrich the soil with environmentally friendly biological nitrogen. In the process of growth, the plant leaves a certain amount of nitrogen, both for itself and for the next plant.

Keywords: soil and climatic conditions, nutrition, soybean varieties, soil fertility, soybeans, pure nitrogen.

Ҳозирги кунда табора ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш устида олимлар доимо изланишда бўлмоқдалар. Ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб, бир мавсумда ўсимликшунослик маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари аниқланмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотига талаб янада ортмоқда. Бу муаммони ҳал қилишда муҳим эътибор ўсимлик оксили билан таъминланишига аҳамият берилмоқда.

Маданят-Б. Нав ўртапишар, экиш вақти 9.05.2021йил, пишиб етилиш даври 133-153кун, поя баландлиги 127-135смга етади. Гуллари майда, оқ қизғиш, дони ўртача, қорамтир тусли сарғиш оқ рангда, 1000 донасининг вазни 132-148г. Нав механизация ёрдамида йиғишга яроқли. Пишганда дуккаклари ёрилиб кетмайди. Жами дуккаклар сони 100 дона. Ўсимлик кучли баргланади, барглари учталик, йирик, ўткир учли.

Фортуна Нав ўртапишар, экиш вақти 9.05.2021йил, пишиб етилиш даври 132-146кун, поя баландлиги 131-145см га етади, гуллари майда, оқ, дони ўртача, қорамтир тусли сарғиш оқ рангда, 1000 донасининг вазни 137-143г. Нав механизация ёрдамида йиғишга

яроқли, пишганда дуккаклари ёрилиб кетмайди. Ўсимлик кучли баргланади, барглари учталиқ, йирик, ўткир учли.

Нафис. Нав ўртапишар, экиш вақти 9.05.2021йил, пишиб етилиш даври 137-148кун, поя баландлиги 137-145см га етади. Гуллари майда, оқ. дони ўртача, қорамтир тусли сарғиш оқ рангда, 1000 донасининг вазни 139-145г. Нав механизация ёрдамида йиғишга яроқли, пишганда дуккаклари ёрилиб кетмайди, пастки дуккаклари 20-25см баландликда жойлашади. Ўсимлик кучли баргланади, барглари учталиқ, йирик, ўткир учли.

Дўстлик. Нав ўртапишар, экиш вақти 9.05.2021йил, пишиб етилиш даври 142-149кун, поя баландлиги 162-170см га етади. Гуллари майда, оқ. дони ўртача, қорамтир тусли сарғиш оқ рангда, 1000 донасининг вазни 135-145г. Нав механизация ёрдамида йиғишга яроқли. Пишганда дуккаклари ёрилиб кетмайди. Пастки дуккаклари 22-27см баландликда жойлашади. Ўсимлик кучли баргланади, барглари учталиқ, йирик, ўткир учли.

1 – жадвал

Сурхандарё вилоятида экиш муддатининг соя ҳосилига таъсири

Соя нави	Экиш муддати	Дона хосили, ц.га	Уруғ вазни, г (1000 дона)	Поя баландлиги, см
Маданят-Б	9 май 2021й	21,9	132-148	127-135
Фортуна		22,5	137-143	131-145
Нафис		23,5	139-145	137-145
Дўстлик		24,2	135-145	162-170

2 – жадвал

Сурхандарё вилоятида етиштирилган турли соя навларининг гуллаш динамикаси.

Навлар	№	Дона, гул ва дуккаклар сони, кунлар			
		Жами гул	Дуккаклар сони	Гул очилган кун	Дуккаги ҳосил бўлган кун
1- олинган натижа					
Маданят-Б	I	10	9	14.06.2021й	22.06.2021й
Фортуна	II	9	8		
Нафис	III	13	10		
Дўстлик	IV	15	11		
2- олинган натижа					
Маданят-Б	I	16	12	20.07.2021й	29.07.2021й
Фортуна	II	15	11		
Нафис	III	18	14		
Дўстлик	IV	22	15		
3- олинган натижа					
Маданят-Б	I	55	50	5.09.2021й	4.10.2021й
Фортуна	II	56	48		
Нафис	III	58	49		
Дўстлик	IV	59	53		

Хулоса, соя – биологик тоза экин бўлиб, тупроқ структурасини яхшилаши, биологик жараёнларнинг боришини янгилайдиган экин ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, соя экилгунча тупроқда гумус 0,85-0,92% бўлса, соя экилгандан кузда гумус миқдори 1,19-1,33%га етди. Сояннинг органик қолдиқлари билан тупроққа 45-55 кг/га азот, 8-12 кг/га фосфор ва 28-42 кг/га калий моддалари қайтади. Сурхандарё вилояти тупроқ иқлим

шароитида, 9 май 2021 йилда экилди ва 4 октябр 2021 йилда пишиб етилди. Соя дуккакли ўсимликларга хос равишда ўз илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб олади ва тупрокни экологик тоза биологик азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади.

REFERENCES

1. Горелов Е.П., Бабаяров М. - Соя на сероземах Узбекистана. Кормопроизводство, 1984г.
2. Д.Ёрматова., Н.Шамуратов – Донли экинларни етиштириш технологияси. Тошкент – 2012й.
3. Атабаева Х.Н. - Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989г.
4. Атабаева Х., Рузиев А. - Урожайность кукурузы и сои в повторных смешанных посевах - Ж.С-х.Узбекистана, 2000г.
5. Д.Ёрматова., Н.Шамуратов – Технология выращивания зерновых культур. Ташкент – 2012г.
6. Технология пищевых производств / Л.П Ковальская, И.С. Шуб, Г.М. Мелькина и др. Под ред. Ковальской Л. П. –М: Колос, 1997. – 752 с.
7. Технохимический контроль хлебопродуктов / Л.Я. Торжинская, В.Аяковенко. –М: Агропромиздат, 1996. – 308 с.